Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 14 октябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 79(7075)

Da'vat

Илм-маърифатга қизиқиши суст миллатнинг келажаги ҳам бўлмайди.

Ислом КАРИМОВ

Ibrat

Жиззах шаҳридаги 24-урта мактаб учун 240 ўринли янги бино фойдаланишга топширилди. 2-қурилиш трести бунёдкорлари тиклаган мазкур бинода жами 20 миллион сумлик қурилиш-монтаж ишлари уддаланди.

O'zbekiston - Rossiya

МУҲИМ АҲАМИЯТГА МОЛИК ҲАМКОРЛИК

Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг шу йил 11-12 октябрь кунлари мамлакатимизга давлат ташрифи самарали бўлди.

Узбекистонга ташрифи арафасида «Жаҳон» ахборот агентлиги саволларига жавоб бера туриб, Россия Федерацияси Президенти Б.Ельцин «Узбекистон Марказий Осиё минтақасида муҳим урин тутади. Узбекистон билан муносабатлар Россия учун МДҲ ҳудудидаги сиёсатнинг устувор йўналишларидан биридир», деб таъкидлаганди.

Бу фикр мамлакатимиз раҳбари И. Каримовнинг ушбу давлат ташрифи биринчи кунида Президент Б.Ельцин билан бўлган яккама-якка суҳбати чоғида ҳам уз ифодасини топди. Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни янада кенгайтириш, минтақавий ва умумбашарий хавфсизлик ҳамда бошқа муҳим масалалар хусусида ўзаро фикр алмашишди.

Шу куни икки мамлакат расмий делегацияларининг амалий учрашувида бир қанча ҳукуматлараро ва идораларараро ҳужжатлар имзоланди. Жумладан, алоқа соҳасида, ноқонуний молиявий операцияларга қарши кураш борасида, божхона ишларида ўзаро ҳамкорлик, шунингдек, маданият соҳасида ҳамкорлик қилишни кўзлаган ҳужжатларни алоҳида таъкидлаш лозимдир.

Давлат ташрифининг иккинчи куни Дурмон қароргоҳида икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида Узбекистон ва Россия ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, илмий-техникавий, маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Мазкур музокараларда икки мамлакат минтақалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш муҳим аҳамиятга молик эканлиги алоҳида таъкидланди.

— Узаро ҳамкорлик ҳақида гапирганда, аввало, учта муҳим масалага алоҳида эътибор қаратмоқ лозим, — деди Ислом Каримов. – Биринчи масала транспорт ҳаракатлари ва уларнинг тарифлари билан боғлиқ. Негаки, баъзан йўлга кетадиган сарф-харажат олиб келинаётган ёки олиб кетилаётган маҳсулот нархидан қимматга тушаяпти. Иккинчиси, шериклик, яъни, кооперация масаласи. Мамлакатларимиздаги соҳалараро шериклик муносабатларини ривожлантириш керак. Яна бир муҳим масала эса божхона, солиқ билан боғлиқдир. Бу борадаги мавжуд муаммоларни бартараф этишдан ҳар икки томон ҳам бирдек манфаат кўради.

Музокараларда икки мамлакат ўртасида бундан аввал имзоланган давлатлараро, ҳукуматлараро ва идораларараро юздан зиёд ҳужжатларнинг амалий жараёни қандай кечаётганига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Музокаралар якунида устувор йўналишларда савдони, ишлаб чиқариш кооперациясини, инвестицион ва илмий-техникавий ҳамкорликни, минтақалар ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги бевосита алоқаларни узаро фойдали ривожлантиришнинг янги узоқ муддатли истиқболларини очадиган Узбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида 1998-2007 йил йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида Шартноманинг имзоланиши ҳамда тегишли фаолият Дастурининг тасдиқланиши бу борада муҳим амалий қадам бўлди.

Ташриф доирасида икки томонлама муносабатларнинг шартномавий негизини тўлдириб, такомиллаштирадиган бир нечта ҳукуматлараро ва идораларараро битимлар имзоланди. Ташқи сиёсий муаммоларини муҳокама қилишда иккала давлат бошлиқлари минтақа ҳамда дунё миқёсида халқаро тинчликни, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш учун ҳамжиҳатликни чуқурлаштириш, ҳаракатларни янада кўпроқ мувофиқлаштириш истагини билдирдилар.

Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Узбекистон Республикасининг ҳар томонлама ҳамкорлиги тўғрисидаги Декларация имзоланиб, бу борада И.Каримов ва Б.Ельцин ушбу ҳужжат учала давлат ўртасида стратегик ҳамкорлик, тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнайди, минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим омил бўлади, деган фикр билдирдилар. Шунингдек, Президентлар Афғонистондаги вазият бўйича Узбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентларининг қўшма баёнотларига имзо чекдилар ҳамда Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг мамлакатимизга давлат ташрифи якунлари бўйича Қўшма Коммюнике ҳам қабул қилинди.

Сунг икки давлат раҳбарлари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, уларнинг ушбу бўлиб ўтган музокаралар якунлари бўйича саволларига атрофлича жавоб бердилар.

JUMLADA JAHON

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида» Фармони матбуотда эълон қилинди.

●Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш бўйича комиссиялар ташкил этиш тўғрисида» Фармойиши чиқди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 октябрь куни Россия Федерацияси Татаристон Республикасининг Президенти Минтемир Шаймиевни қабул қилди.

● Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг республикамизда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарган Пахтачи тумани меҳнаткашларига йўллаган табрик хати матбуотда чоп этилди.

● НАТОнинг Белград шаҳрини бомбардимон қилишидан хавфсираётган Ғарб давлатлари элчихоналари ўз фуқароларини бу ердан олиб чиқиб кетиш чораларини кўрмоқда.

● БМТ Бош котибининг Эрон-Афғон можаросини барқарорлаштириш бўйича махсус вакили Лахдар Брахими Эрон раҳбарлари билан музокаралар ўтказиш учун Исломободга келди.

● БМТ Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури Кубага умумий қиймати 20,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган турли хил маҳсулотлар етказиб берадиган бўлди.

●АҚШнинг махсус вакили Ричард Холбрук Югославия Президенти Слобадан Милошевич билан бўлиб ўтган музокаралар ҳеч қандай натижа бермаганлигини айтди.

Jarayon

ИЛК БОСҚИЧ: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР

Тарихий ҳужжатларнинг қабул қилинишини давр, кенгроқ маънода замон талаб этади. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг ишлаб чиқилиши ҳам ҳуқуқий демократик давлат қуришга шайланган халқимиз ҳаётидаги катта воқеадир.

Мана, миллий дастурнинг кучга кирганига бир йилдан ошди. Ўтиш даврининг босқичлари бир талай. Агар уларни бир занжирга маржон каби тизиб, шарҳлайдиган бўлсак, олий таълим зиммасидаги вазифаларнинг нақадар чексиз эканлиги аёнлашади. Хўш, ўтган бир йил ичида миллий дастур талабларидан келиб чиқилган ҳолда олий таълим тизимида қандай ўзгаришлар содир бўлди? Ўқув жараёнига киритилаётган янгиликлар нимадан иборат?

Мухбиримиз республика олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Холмуродов қабулида бўлиб, у кишини суҳбатга тортди.

— Рустам Иброҳимович, биласизки, миллий дастур қабул қилинганига бир йилдан ошди. Асосий хулосалар, натижалар ҳақида қандай фикрдасиз?

— Миллий дастурни амалга оширишнинг ҳар учала босқичи ҳам мураккаб, вазифаларга бой, демакки, силлиқ кечмайди. Ислоҳотларнинг туб негизи нимага қаратилган? Энг асосий мақсадларни яна бир карра таъкидласак, ўринли бўларди. Шулардан биринчиси, ҳар бир шахснинг ўз қобилияти, имкониятини рўёбга чиқаришига шароит яратиш, ҳаётда ўз ўрнини топишига ёрдам бериш. Иккинчиси, мамлакат олдига қўйилган вазифаларни бажаришда, уни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришда ҳар бир шахснинг ва демак, жамиятнинг потенциал имкониятларидан унумли фойдаланиш. Бу вазифаларни амалга оширишга ҳар биримиз дахлдормиз. Сўзимнинг бисмиллосида дарсликлар масаласига тўхталиб ўтмоқчиман. Негаки, дарслик ва ўқув қўлланмалари таълим тизимининг бир бутун негизидир. Қолаверса, масалага Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январда чиқарган «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида ёндашиш лозим бўлди. Олий ўқув юртлари кутубхоналаридаги мавжуд дарслик ва ўқув қўлланмалар экспертизадан ўтказилди. Замон талабига жавоб бермайдиганлари ажратилиб, улар ўрнига мустақиллик мафкурасини ўзида акс эттирган, илм-фаннинг сўнгги ютуқларини ўзида мужассамлаштирган дарслик ва қўлланмалар вужудга келтириш жараёни бошланди. Жумладан, ўтган йили бюджет ҳисобидан 19 та дарслик ва ўқув қўлланмалар 36 минг нусхада нашр этилди ва унга 96 миллион сум сарфланди. Шунингдек, қўшимча маблағлар эвазига 20 та дарслик, ўқув қўлланма, турли хил рисолалар ва плакатлар чоп этилди.

(Давоми 2-бетда)

Tajriba-sinov maydonchalarida

ОДОБ САБОҚЛАРИ

Марғилон — ҳунарманду тўқувчилар макони, инсоний фазилатлар юксак қадрланадиган, мўъжаз, кўҳна ва шу билан бирга навқирон шаҳар. Шаҳарнинг «Ипакчилар шаҳри» деб аталадиган қисмида ўтган йили бита замонавий, уч қаватли мактаб биноси фойдаланишга топширилган эди. Унга 23-мактаб жамоаси кўчиб ўтди. Бу йил 1 сентябрдан эътиборан эса мана шу зиё масканининг бошланғич синфлари доирасида «Одобнома» фанидан тажриба-синов майдончаси ташкил этилди. Боиси, илк «Одобнома» дарслик китоби Фарғонада яратилди ва ахлоқий меъёрларни ўқувчиларга фан сифатида ўқитиш учун мазкур ўлкада талайгина асослар мавжуд. Ҳозирги кунда синов ўтказиш учун бошланғич синфлардан биттадан, жами 4 та синф танлаб олинди. 2 та синфхона махсус жиҳозланди.

Бошланғич синфларнинг ҳаммасида ҳам «Одобнома» ўқитилади. Фақат улар ўқитиш қамрови жиҳатидан иккита: назорат ва синов синфларига бўлинади. Синов синфлари учун ҳафтада бир марта қўйилган «Одобнома» машғулоти кабинет тизимида ўтилади. Ушбу синфхонага кирсангиз, баҳри дилингиз очилади: чор-атроф оппоқ-озода, ёруғ, кенг. Болалар ўтирадиган стол-стуллар «П« шаклида жойлаштирилган. Ўртада хонтахта, атрофига қурпачалар, ёстиқлар ташланган. Бу - узбекнинг оддий, ораста, истарали уйини эслатади: ортиқча жимжимадорлик ёки олақуроқлик йўқ. Хонтахтаю якандозлар, чойнак-пиёлаю дастурхон-сочиқлар, театр тили билан айтганда - декорациялар айрим амалий машғулотларни бажаришга ёки саҳна асарларидан парчалар қўйишга мўлжалланган. Хонанинг орқа томонида каттагина ҳажмдаги табиат манзараси. Болалар машғулот жараёнида толиқишса, ана шу манзарага қараб ҳам ўзларини енгил сезишлари мумкин. Жавонлардан ҳунармандчилик намуналари, рамзий маънодаги жажжи бешик, тандир, сўри-каравот қабилар ўрин олган. Хуллас, хона миллий руҳда безатилган. Бундан «миллий қобиққа уралиш» деган торгина тушунча келиб чиқмаслиги керак. Зеро, мактабда нафақат «Одобнома», балки ҳамма фанлар ҳам замонавий миллий услубда ўтилади. Яъни шакл миллий, мазмун эса умуминсоний. Буни машғулотларда қўлланилаётган кўргазмали ва техника воситалари, дарс мавзуларидан ҳам билса бўлади. Ўқитувчилар кадоскоп, фильмоскоп, видеомагнитофон, вазирлик томонидан яқингинада совға қилинган компьютер комплектидан унумли фойдаланишяпти.

Мавзулар синов синфларининг ҳар бири учун алоҳида махсус, ранг-баранг тузилган. Мисол учун, машғулотда «Ватан туйғуси» мавзуси ўтилганида, албатта, Ватан тимсоллари ҳақида тушунча берилади, севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» шеъри болаларнинг ёшига хос тарзда таҳлил этилади. Миллий ғурурга бағишланган дарсда эса ўтмишимиздаги буюк сиймолар, мамлакатимизда мустақиллик йилларида эришилган зафарлар, миллий бойликларимиз хусусида фикр алмашинади. Шунингдек, ўқувчилар «Тежамкорлик — иш бежами», «Меҳнатсеварлик», «Табиат — гўзаллик манбаи» каби мавзуларни ўрганганларида ҳам кўпгина янгиликларни билиб оладилар. Синов синфларининг муаллимлари Муаззамхон Маҳмудова, Ҳанифахон Қурбонова ҳамда Раъногон Маҳмудовалар ҳар бир мавзу бўйича конспект ёзиб боришяпти. Бу ерда орттирилаётган тажрибалар, ўқитувчиларнинг қулёзмалари, изланиш натижалари келажакда «Одобнома» фани бўйича янги дарслик тузишда қўл келади.

1-синф болаларининг қобилият-лаёқатлари геометрик рейтинг воситасида ҳам аниқланяпти, синов майдончасига жалб этилганларнинг билим ва қуникмалари эса тест синовлари ҳамда соддалашган рейтинг усулида баҳоланаяпти.

(Давоми 2-бетда)

Ўқитувчи ёки дафтарига

ТАДҚИҚОТДАН АМАЛИЙ ИШГА

Мутахассислар ўтказган тадқиқотлар голландияликлар Европада энг бўйчан одамлар эканлигини кўрсатди. Боз устига, уларнинг бўйлари йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Эндиликда Нидерландиядаги қурувчилар ўз ватандошларининг қийналмасликлари учун янги уйларга баландлиги икки метру ўн икки сантиметр бўлган эшиклар ўрната бошлашди.

ҲАЙВОНЛАРДАГИ ЎЗГАРИШ

Шу йил ёзда Актау шаҳри шифохоналари тюленлардан шикаст еган беморлар билан тўлиб кетди. Бундай воқеа Каспий денгизи соҳилларида шу вақтгача кузатилмаган эди. Боиси, тюленлар одамлардан қўрқар ва соҳилга дам олишга келганлардан мудом ўзларини йироқ тутар эдилар. Олимлар бу беозор жониворлардаги хавфли ўзгариш сирини ҳали англаб етганларича йўқ.

ЎҚУВЧИ ПАРВАРИШИДАГИ МЎЪЖИЗА

Мана бу хабар табиат мўъжизалари юртимизда ҳам бисёр эканлигидан далолат беради. Ғузор тумани Янгикент қишлоғидаги 37-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Феруз Аҳмедов яқинда товуқ тухумидан 16 та жўжа очирди. Қизиғи шундаки, бу жўжаларнинг иккитаси тўрт оёқлидир. Ферузнинг алоҳида парвариши остида бу иккала жўжа ҳам соғлом ўсмоқда.

«ОЛТИН ОЛМА» ТАРИХИ

Юртимизда 20-йилларда ўстириш расм бўлган помидор, кўпгина манбаларда айтилишича, даставвал Перуда тарқалган ва «Таматель» деб аталган. Испания Перуни босиб олгач эса, помидор Европага келтирилиб, Ўрта ер денгизи ҳавзаларидаги мамлакатларда экила бошланди. Помидор Италянча «помо-дор», яъни «олтин олма»дир. Сўнгроқ бу жаҳонгашта ўсимлик Греция орқали Туркияга, у ердан 1850 йилда Кримга келтирилган.

Obuna—99

МУАЛЛИМЛАР ҲАМ, ЎҚУВЧИЛАР ҲАМ ФАОЛ

Ўқитувчи шахсий кутубхонасини бойитиб, ўқиб-ўрганганларини ҳаёт билан боғлаб олиб бормас экан, у маънавий қашшоқликка юз тутади. Албатта, шахсий кутубхонани бойитиб, ўқиб-ўрганиб боришда вақтли матбуотнинг ўрни беқиёсдир. Буни тўғри тушунган Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 237-мактаб ўқитувчилар жамоаси (директори Асқар Сулаймонов) 1999 йил учун газета ва журналларга обуна бўлишга барвақт киришдилар. Шу кунгача 51 нафар ўқитувчилар жамоасининг 12 нафари «Учитель Узбекистана», 27 нафари «Маърифат» газетаси ва «Бошланғич таълим» журналига обуна бўлдилар.

Ўқувчилар ўртасида ҳам обуна қизғин давом этмоқда. Улар етакчи Турсуной Ғуломова бошчилигида, «Ғунча» (117 та), «Гулхан» (50 та), «Тонг юлдузи» (8 та), «Молодежь Узбекистана» ва «Туркистон» рўзномаларига обуна бўлишди.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ

G'urur

ВАТАН ИФТИХОРЛАРИ

ёхуд улар ҳақидаги тўплам

Инсон учун ҳаётда Ватаннинг ифтихорлари, халқнинг фахри миллатнинг ғурури бўлишдан ҳам юксакроқ шон бормикан?! Уз эли довруғини дунёга ёйиб, юрт байроғини жаҳон майдонларида кўкларга кўтарган фарзандини халқи бошига кўтарса арзийди. Хўш, мамлакатимизнинг шундай фарзандлари борми? Ғурур билан айтиш мумкинки:

—Ҳа! Бор!

Ёдингизда бўлса керак, яқиндагина «Узбекистон Республикаси мустақиллигининг етти йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида» Узбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинган эди. Мукофотланганлар орасида саккиз нафар спортчига «Узбекистон ифтихори» фахрий унвони берилди.

Булар — «Динамо» спорт жамияти йўриқчиси, бокс бўйича Осиё чемпиони, Жаҳон кубоги ўйинлари ғолиби Маҳаматқодир Абдуллаев, бокс бўйича кўп карра жаҳон чемпиони Артур Григорян, Жиззах тумани 36-ўрта мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси, бокс бўйича Жаҳон кубоги ўйинлари ғолиби Лазизбек Зокиров, «Динамо» спорт жамияти йўриқчиси, АҚШда ўтказилган IV яхши ният ўйинлари ғолиби Тимур Туляков, Бухоро вилоят 2-ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия ўринбосарлари мактабининг самбо бўйича мураббийси, Жаҳон чемпиони, самбо бўйича Жаҳон кубоги ўйинлари ғолиби Шуҳрат Ходжаев, Узбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитасининг бокс бўйича спортчи-йўриқчиси, II Марказий Осиё ўйинлари ва бокс бўйича Жаҳон турнирлари ғолиби Руслан Чагаев, фристайл бўйича Жаҳон кубоги ва Қишки Олимпия ўйинлари ғолиби Лина Черязова ва Тошкент шаҳар «Биллур» спорт клуби йўриқчиси, кикбоксинг бўйича икки карра жаҳон чемпиони Олмос Юсупов.

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хайрли ишга қўл урди. Вазирлик Узбекистон номини жаҳонга танитишда ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшган мазкур спортчиларнинг оилавий ҳаёти, фаолияти ва орзу-умидларини ўзида акс эттирадиган «Узбекистон ифтихори» тўпламини чиқаришга аҳд қилди.

(Давоми 4-бетда)

Tadbir

ТАЛАБАЛИК БАХТИ

Куни кеча пойтахтимиздаги «Ҳамза» Академик драма театрида Узбекистон Жаҳон тиллари университети 1-босқич талабаларининг талабаликка қабул қилиниш маросими бўлиб ўтди.

Анжуманни Университет проректори Абдуазим Содиқов очди. Инглиз филологияси факультети декани Карим Раҳмонов университет ҳақида қисқача гапириб ўтди. Устозлардан Дилором Газиева, Муҳаббат Толибова, Дилдора Ражабовалар ёшларнинг талаба бўлганликлари билан табрикладилар.

Сунгра талабалар байрамни давом эттиришди. 117-гуруҳ талабаси Назокат Аҳмедова уз табриги билан, 105-гуруҳ толиби Улуғбек Нурмуҳамедов «Устозлар» қўшиғи билан ва 104-гуруҳ талабаси Мавжуда Асқархўжаева ўзининг испанча рақси билан тенгдошларига шодлик улашдилар. Дилноза Раҳимжонова 5-босқич талабалари номидан 1-курс талабаларига «Олтин калит»ни тақдим этди.

Кеча сўнгида «Ҳамза» театри санъаткорлари ҳам талабаларни табриклаб, »Амир Темур», «Хотинлар гапидан чиққан ҳангома», «Тақдир эшиги» номли спектакллардан лавҳалар намойиш этишди. Шунингдек, истеъдодли актёрлардан Мадина Мухторова, Абдураим Абдуваҳобов ва Малика Иброҳимовалар уз санъатлари билан талабаларни мафтун этишди.

Гулноза НИШОНБОЕВА

ОДОБ САБОҚЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Очиғини айтганда, «Одобнома» машғулоти аввалари тарбиявий соат тарзида, жунгина қуринишда утиларди. Ҳозир эса у алоҳида ўқув фанига айлантирилди. Натижада ўқитувчиларнинг, қолаверса, ўқувчиларнинг ҳам шу фанга нисбатан масъулияти янада ошди, изланишлар, ўз устида ишлаш қамрови кенгайди. Ота-оналарнинг хурсандчиликларини айтмайсизми? Улар йиғилишларда шу фанга эътиборни иложи борича кучайтириш лозимлигини таклиф қилишаяпти. Чунки яқингинада «қулоқсиз» деб атаётган фарзандининг бугунга келиб эсли бола бўлиб бораётганидан ким ҳам қувонмайди дейсиз.

Мактабда, аввало, одобли муҳит яратилди. Болалар ўз муаллимларини «Устоз!» деб аташади. Бу ерда нафақат жиноятнинг олди олинаяпти, балки оддий тартиббузарликка ҳам йул қўйилмаяпти. Зеро, синфхонадаги «раҳмат», «марҳамат», «соғ бўлинг», «ташаккур», «узр», «илтимос» каби сеҳрли сўзларнинг ўзиёқ ўқувчиларни эсли-ақлли, маданиятли бўлишга ундаб туради. Улар бу сўзларнинг моҳиятини тушуниб етишяпти.

Биринчи ва иккинчи синф ўғил-қизларининг сўзга чечанлиги кишини ҳайратга солади. Улар ҳозирданоқ ҳазрат Навоий шеърларидан парчалар ўқишаяпти, ҳадислардан намуналар айтишаяпти. Мақолларнику қуяверинг: ҳар бир фазилат ёки иллат ҳақида топиб гапиришади: «Куч - адолатда», «Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни йиқар», каби дурдона фикрларни ҳам болалар аллақачон урганиб олишибди.

Муаллимлар машғулотларга тайёргарлик куришда «Одоб чаманзори», «Темур тузуклари», «Донолардан сабоқлар», «Халқ мақоллари»... эҳ-ҳе, ўнлаб китоблар, газета-журналлардан фойдаланишяпти. Мана шу тахлам-тахлам манбаларнинг ўзиёқ уларнинг тинимсиз ижодий ишлаётганларини курсатиб турибди. Дарслар, албатта, математика, тил, тарих, география, экология билан моҳирона боғланяпти. Мисол учун, тежамкорлик ҳақидаги машғулотда кўпроқ иқтисодиётга оид маълумотлар келтирилади. Болаларга тарқатма материаллар берилади. Битта кургазмали куролда шундай сатрлар битилган: «Жўмрак яхши ёпилмай сув томчилаб қолса, бир соатда уч литр сув исроф бўлади. Тўрт соатда-чи?» Шу ўринда ўқувчилар мақол айтишади: «Тома-тома кул булур, йиғсанг хирмон мул бўлур».

Мана, тажриба-синов бошланганидан буён орадан бир ойдан мўлроқ вақт утди. Умумий хулосалар ясашга ҳали эрта. Бу ўринда вақт олий ҳакам вазифасини ўтайди. Лекин ҳозирданоқ баъзи бир ишларнинг кичик режада сарҳисобини олиб бориш фойдадан холи бўлмайди. Ҳарҳолда, шу давр мобайнида ўзига хос тажриба орттирилди. Муҳими эса болалар махсус дастур асосидаги дарсларни яхши урганишяпти, аниқроғи - 80-85 фоизга узлаштиришяпти. «Қизиқарли фан экан», деб машғулотларга ошиқишяпти.

Синов ўз номи билан синов экан-да. Бу жараёнда баъзи бир муаммолар ҳам юзага чиқиб қолаётир. Номма-ном келтирадиган бўлсак, кўргазмали куроллар, мавзуларга оид рангли расмлар етишмаяпти. Муаллимлар эса, албатта, «борига барака» деб қўл қовуштириб ўтирганлари йўқ. Улар мустақил равишда рангли расмлардан иборат китоб, альбом тузишибди. Рангбаранг материаллар тайёрлашибди. Лекин бу нарсалардан сира қониқишмаяпти. Ҳарҳолда, мутахассисларнинг фабрика усулида чиқарадиган қўлланмаларига не етсин!

Муаллимлар, шунингдек, одоб-ахлоққа оид ривоятлар, афсоналар, эртаклардан тузилган мультфильмларни видеокассеталарга ёзиб, жойларга тарқатиш лозимлиги ҳақидаги ўринли таклифни билдиришди. Бу фикрлар тегишли мутасаддиларга етказилади ва эътиборсиз қолмайди, деб ўйлаймиз.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз

ИЛК БОСҚИЧ: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР

(Боши 1-бетда)

— Маълумки, мутахассисликларни эгаллашда бакалавриат ва магистратура босқичлари миллий дастурда белгилаб қўйилган. Бу борада нима дея оласиз?

— «Олий таълим йуналишлари ва мутахассисликлар Классификатори» лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унда 24 соҳадаги 204 та бакалавриат йуналишлари мавжуд бўлиб, шундан 71 таси истиқболий йуналишлардир. Уларни умумлаштирган ҳолда «Бизнес ва бошқарув», «Санъат», «Ҳуқуқ», «Муҳандислик ва муҳандислик ишлари» деб номлаш мумкин. Ўз навбатида бу соҳаларнинг ҳар бирида бакалавриат йўналишлари белгилаб чиқилган. «Физика фанлари» ва «Гуманитар фанлар» соҳалари учун мос равишда 52 ва 32 та истиқболий, ҳозирги замон фундаментал ва ижтимоий фанларнинг ривожи билан боғлиқ бўлган магистратура мутахассисликлари назарда тутилган.

— Нутқимизга «Маркетинг хизмати» деган ибора кириб келди. Вазирлик бу масалага қандай ёндашмоқда?

— Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 январда чиқарган «Таълим хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантиришни ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги маркетингни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бизга дастуриламал бўлди. Вазирлигимиз қошида «Таълим тизими маркетинги Бош бошқармаси», шунингдек, барча олий ўқув юртларида «Маркетинг хизматлари» бўлимлари ташкил этилди. Улар ўз низомларига эга. Айниқса, ТошДТУ, ТошДАИ, ТАЙИ, ТТЕСИ маркетинг хизмати бўлимларининг бу борадаги ижодий фаолиятини таъкидлаш керак.

— Ташкилий-тарбиявий ишлар хусусида ҳам озроқ тўхталсангиз?

– Таълим ислоҳоти фақат ўқув жараёни учунгина хос бўлмай, ҳар бир талабанинг намунали хулқатворини ҳам тақозо этади. Шу ўринда Президентимиз И.Каримовнинг Олий Мажлис Х1 сессиясидаги маърузасида таъкидлаб ўтилган мана бу фикрларни келтириб ўтишим лозим: «Ҳар биримизга беш бармоқдай, эскича айтганда, тўққиз пулдай аён бўлсинким, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, одамлар онгини, демакки, уларнинг турмуш тарзини ҳам тубдан ўзгартириш мумкин эмас».

Эндиликда Мустақиллик, Наврўз, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни оммавий байрам сифатида барчамизнинг онгимизга сингишиб кетди. Табиийки, талабалар орасида бу байрамларга бағишланган кеча ва учрашувлар, маросимлар ўтказиб туриш катта аҳамият касб этади. Ўтган ўқув йилининг якунига мувофиқ ўқишда, жамоат ишларида юқори кўрсаткичларга эришган талабалардан бир нечтасига «Ислом Каримов фотоальбоми» ва 10 минг сўмдан пул мукофотлари тақдим қилинди. Байрам саналари, семинар, илмий-амалий анжуман, учрашув, танлов ўқув юртлари ҳаётига мазмун ва шукуҳ бағишлар экан, бундан кейин ҳам улар давом этаверади.

— Рустам Иброҳимович, масалага кенгроқ қамровда ёндашадиган бўлсак, қилинаётган ишлар денгиздан бир томчи, холос. Яқин кунларда қилиниши керак бўлган ишларингиз режаси қандай?

— Ютуқларимиз олдида яққол кўзга ташланиб турган камчиликлар ҳам бор. Аввало, ўқув жараёнини янги дарслик ва адабиётлар билан таъминлашда сусткашлик сезиляпти. Бакалавр таълим йўналишлари бўйича Давлат стандартларини қайта кўриб чиқиш ва уларни «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларига мувофиқлаштиришда вазифаларимиз талайгина. Янги педагогик технологияларни жорий этишга эътибор қаратишимиз зарур. Талабалар билимини аниқлаш ва синашда рейтинг тизимининг янги шаклларини татбиқ этишда ҳам муаммоларимиз кўп.

Қисқасини айтганда, таълим жараёни бир кунлик ёки бир йиллик эмас. Президентимиз таъкидлаганларидек, «Кадрлар тайёрлаш узоқ давом этадиган жараён бўлиб, у ҳар биримиздан, такрорлайман, ҳар биримиздан астойдил, бетиним, изчил меҳнатни талаб этади. Бу соҳада узоқ йиллар мобайнида шу қадар кўп муаммолар тўпланиб қолдики, эндиликда сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди».

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА
суҳбатлашди

ДАВЛАТ ТИЛИГА БАҒИШЛАНДИ

Куни кеча пойтахтимиздаги Узбекистон Республикаси ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат «Пахта-Банк» марказий идорасида «Узбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида» ва «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Қонунларни жорий этишнинг долзарб муаммолари»га бағишланган бир кунлик семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашни бошқарув раисининг биринчи муовини Йўлдош Жўраев кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг доценти, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва имлосини урганиш бўйича ўқув мажмуасининг муаллифи Суннатилла Ризаев «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш зарурати ҳақида» маъруза қилди.

– Республикамизда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва имлосининг жорий этилиши, - деди Суннатулла Ризаев, - мустақил Узбекистонимизнинг жаҳон коммуникацияси тизимига киришишини жадаллаштириш борасида жуда катта амалий аҳамиятга эга.

Айниқса, маърузачининг лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг жорий этилиши араб алифбосидан ҳам, кирилл алифбосидан ҳам ўзбек (она) тили товушларини ифодалашда қулай эканлиги, кириллча «е, ё, ю, я, ц»ларнинг янги ўзбек лотин ёзувида ифодаланиши, «Тутуқ белгиси», фамилия ясовчи - ов (- ова), - ев (- ева)ларнинг янги имлода ёзилиши тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари республикамизнинг барча вилоятларидан келган Давлат тилини жорий этиш ва таржима булими ходимларида чуқур таассурот қолдирди.

Адолат СОЛИҲОВА,
«Пахта-Банк»
марказий идораси
етакчи мутахассиси

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг 1998 йил 10 октябрь сонида берилган «Сариосиёдаги сара лицей» номли мақоланинг 2-хатбошиси қуйидагича тузатиб ўқилсин:

— Лицейимиз илгари Сариосиё ўрмончилик лицейи, деб номланган. Энди эса давр, ҳаёт тақозоси билан туманимиз миқёсида бошқа касб ва ҳунарларга эҳтиёж тўғилиб, Сариосиё касб-ҳунар лицейига айлантирилди.



Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 179-мактабда ҳар бир педагог ўзларининг бурч ва вазифаларига чуқур масъулият билан ёндашадилар. Масалан, инглиз тили фани ўқитувчиси Хосият Асадова ушбу фанни ўқитишни 2-синфдан бошлаб то 9-синфгача олиб боради. Бу усул орқали ўғил-қизларнинг саводхонлиги юқори бўлишига эришилаяпти.

Суратда: илғор муаллима Х.Асадова 6-«Г» синф ўқувчилари Саида Мухторова ва Камола Зоитоваларнинг оғзаки суҳбатини тинглаяпти.

Равиль АЛЬБЕКОВ
олган сурат

Muammo va yechim

ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ КЕРАК

Вилоятлардаги қатор педагогика институтлари университетларга айлантирилиб, етук ходимларни тайёрлаш жадал йулга қўйилди. Халқ хужалигининг ҳамма тармоқларига керакли мутахассислар тайёрлана бошланди, улар мустақилликнинг биринчи қалдирғочлари сифатида ишга киришиб кетишди. Аммо ҳамма тармоқлар ҳам бир хилда таъминланмоқдами?

Эҳтимол, бу савол кўпчиликни ташвишлантирар. Мен ўзим ишлаётган Бухоро Давлат университети хорижий филология факультети ва унда таълим олаётган ёшлар ҳамда вилоятимизда чет тиллари ўқитувчиларининг етишмаётганлигига оид айрим мулоҳазаларимни баён этмоқчиман.

Университетимизда бугунги кунда 20 дан ортиқ мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Тил ўрганиш маркази ишлаб турибди. Олти йилдирки, бу марказда 4,6,9 ойлик курслар ташкил қилиниб, олий ўқув юртига кирувчилар, бизнесмен ва таржимонлар тайёрланмоқда. Яна шу ернинг ўзида немис, инглиз, француз тиллари кафедраларида гуруҳлар тузилиб, тил ўргатилмоқда, айрим мактабларда ҳам махсус гуруҳлар ташкил қилинган. Аммо тил ўрганаётган ёшларнинг мақсадлари нима? Факультетимизнинг инглиз тили бўлимида 300 дан ортиқ, немис тили бўлимида 100 га яқин, француз тили бўлимида ҳам 100 га яқин талабалар ўқимоқда. Айниқса, инглиз тили бўлимида ўқиётганларнинг тўқсон фоизи Бухоро шаҳридан, атиги ўн фоизини чет тили ўқитиш қисман намунали йулга қўйилган Бухоро, Шофиркон, Ғиждувон, Вобкент туманларидан келган ёшлар ташкил қилади. Шуниси ажабланарлики, улар «бизнесмен ёки таржимон буламиз», деган ниятдагина бу ерда ўқимоқдалар. Қолганлари эса «битириб туманимизга борайлик-чи», дейишади. Аммо ҳозирги куннинг ўзида чет тили ўқитувчиларига эҳтиёж жуда катта. Бунинг устига чет тили ўқитувчиларига муҳтож Қоракул, Олот, Когон, Қоровулбозор, Пешку, Ромитан туманларидан, айниқса, Газли, Жанкелди аҳоли қўрғонларидан бирор киши ҳам талабалар сафида куринмайди. Тақсимот пайтида юқорида санаб ўтган туманларимиздан ўқитувчи талаб қилишади, ҳатто «педагогик амалиётга чиққан талабаларни юборинг», деб хатлар ёзиб, илтимос қилишади. Аммо ҳар йили тугатаётганларнинг катта қисми бошқа ишларга ўтишса ўтишадики, мактабларга боришмайди.

Хўш, нима учун шу туманлардан талабалар йўқ. Ёки улар ҳужжат топширишмаганми? Йўқ, у жойларда ҳам истовчилар жуда кўп, шу жойга ўқигани ҳужжат ҳам топширишади, лекин уларда шаҳар ўқувчиларидек тайёргарлик йўқлигидан қайтиб кетишади.

Турли табақада ишлайдиган таржимонлар, бизнесменлар тайёрлашимиз ҳам керакдир, эҳтимол. Бунинг учун 5 йил ўқиш, педагогликка оид ўнлаб фанларни ўқиш шартми? Бу хусусда жиддийроқ ўйлаб кўриш зарур. Шуни ҳисобга олиб 2-3 йиллик махсус курслар ташкил қилиб, чет тилидан тайёргарлиги яхши булган ўқувчиларнинг-гина хоҳишига қараб, уларга махсус бир йўналишдаги маълумот берилса, ҳозирги муаммоларга ечим топган булармидик?

Бухоро нефтни қайт ишлаш заводида таржимонлик қилаётган шогирдларимиз ҳақида гап кетганда мақтовларни эшитамиз. Аммо уларнинг техникавий тушунчаларини чет тилида ифодалашда оқсоқланиб қолаётганликларини эшитиб кунгил ранжийди. Сабаби—бизнинг дастуримизда техник мутахассисликка оид фанлар таржимасига бир соат ҳам ажратилмаган. Шу нуқсонни бартараф қилиш учун техникавий таржимонлар гуруҳи, кимё-биология, ижтимоий фанлар ва шаҳарлар тарихини билувчи таржимонлар махсус тайёрланса, замонамиз талабини оқлаган булардик. Туманлардан келаётган ёшларнинг, айниқса, қизларнинг аксарияти ўқитувчиликни эгаллаш орзусида бўлишади, афсуски, тўплаган баллари етмай қайтиб кетишади. Кейинги йилларда кекса ўқитувчиларнинг қарилик нафақасига чиқишлари, айрим ёш ўқитувчиларнинг ўқитувчилик маошига қониқмасдан бошқа ишларга ўтиб кетишлари натижасида 3-4 йилдан буён факультетнинг ўзида, хусусан, инглиз филологияси бўлимида ўқитувчилар етишмайди. Битирувчилардан олиб қолинаётган ёшлар эса, бир ой ўтар-ўтмас ишни ташлаб кетиб қолишмоқда. Натижада талабалар талабаларга дарс беришади. Қанчалик юқори билимга эга бўлишмасин, IV-курс талабасининг IV курсда ёки қуйи курсларда дарс ўтиши яхши натижа берармикан? Хуллас, менинг таклифларим қуйидагича:

- Ҳар бир вилоятдаги олий билим даргоҳига қабул туманлар эҳтиёжига қараб тақсимланса;
- бизнесмен, таржимон ва бошқа касб эгаси бўлишни орзу қилганлар ўқитувчилар тайёрлаш гуруҳларига ариза бермасдан, алоҳида гуруҳга, иложи бўлса, шартнома асосида қабул қилинса;
- чет тили ўқитувчилари оз бўлган туманлардан иштиёқманд болалар махсус гуруҳда ўқитилса;
- дарсликлар, қўлланмалар ёзиш вилоят билимгоҳларига тақсимлаб берилса ва уларнинг умумий иш соатлари озроқ қисқартирилиб маълум муддат берилса, дарсликларга иккита эмас, 5-6 кишидан иборат муаллиф белгиланса мақсадга мувофиқ бўларди.

Бу муаммолар фақатгина Бухоро вилояти учун хос эмас, балки республикамиздаги бошқа жойларда ҳам кузатиладиган ҳолдир.

Агар бу муаммо юқоридаги таклифлар асосида ечилса, мактабларимиз чет тили ўқитувчиларига ёлчиб қоларди.

Йўлдош НУРМУРОДОВ,
филология фанлари
номзоди,
Бухоро давлат
университети немис
филологияси
кафедраси доценти

ТАШАББУС ДАВОМ ЭТАДИ

Америка «Тинчлик корпуси» кунгиллиларининг илк гуруҳи бундан 6 йил олдин Узбекистон диёрига ташриф буюрганди. Таркибида 60 нафар аъзоси бўлган ушбу гуруҳ кунгиллилари, авваламбор, узбек оилаларида ўзбек ва рус тилларини мукаммал ўрганиб, тарихимиз ва маданиятимиз билан яқиндан танишиб бўлгандан сўнг ўзбекистонлик ёшларга инглиз тили сирларини, шунингдек, кичик бизнес қонуниятларини ўргата бошладилар. Эътиборлиси шуки, океан ортидан келган меҳмонлар пойтахтимизда кўп туриб қолмай, мамлакатимизнинг энг чекка туманлари марказларига қараб йул олдилар. Улар орасида талаба ёшлардан тортиб нафақадаги кунгиллилар ҳам бор эди.

Мана, яқинда Узбекистонга кунгиллиларнинг олтинчи гуруҳи ҳам етиб келди. Бу гал ҳам қисқа фурсатдан сўнг, улар махсус автобусларда Гулистон шаҳрига отландилар. Бу ерда америкалик меҳмонларимиз, талабалар ибораси билан айтганда, қисқача танишув курсларида ҳар галгидек ўзбек тилини чуқур ўргандилар.

Энди эса ушбу гуруҳнинг 38 нафар аъзоси мамлакатимиз таълим муассасаларида ёшларимизга инглиз тилидан, 16 нафари эса иқтисодиёт, бизнес ва бухгалтерлик ҳисобидан Европа стандартлари асосида дарс берадилар.

Яқинда Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институтида ўтказилган 3 кунлик анжуманга нафақат кунгиллиларнинг ўзлари, балки улар ишлаётган мактаб директорлари, ўқитувчи-мураббийлари ҳам таклиф этилди. Бу анжуманда асосий эътибор дарсларни ва синфдан ташқари тадбирларни режалаштиришга, дарс турлари ва усулларига қаратилди. Анжуман давомида америкалик кунгиллилар ОУМТ ва Халқ таълими вазирликлари, мамлакатимиздаги АҚШ элчихонаси вакиллари билан учрашиб, узаро мулоқотда бўлдилар. Учрашув қатнашчилари Узбекистон таълим муассасаларида инглиз тилини ўқиб-ўргатишда ушбу «Тинчлик корпуси» кунгиллиларининг ҳиссаси катталигини таъкидлашди.

Бугун биз иқтисодиётимиз равнақи йўлида самарали фаолият курсатаётган илк кунгиллилардан молиячи Рик Томас, менежер Мак Виварсларни алоҳида ўрнак қилиб кўрсатсак арзийди. Зеро, ҳаммамиз учун севимли бўлиб қолган машҳур Кока-Кола ичимлиги ҳам Мак Виварс корхонаси маҳсулидир. Тошкент жаҳон тиллари университети битирувчиси Муҳиддин Охунхўжаев эса америкалик кунгиллиларга дастлаб ўзбек ва рус тилларидан дарс берган бўлса, ҳозир ушбу гулистонлик гуруҳга бизнес-дастур бўйича координатор сифатида яқиндан ёрдам бермоқда. Шунингдек, бу галги америкалик меҳмонларимиз сафида самолётсозлик соҳасининг мутахассиси Грегори Мекмиллан, Атлантика қирғоқларидан ташриф буюрган олий даражали банк ходими Хэлон Рафэл хоним ҳам бор.

Америкалик кунгиллиларни ўз оилаларида жойлаштириш иштиёқини билдирган ўзбекистонликлар бугунги кунда кўплаб топилади. Миллий маданиятимиз, тарихимиз, қадимий урф-одатларимиз хусусида меҳмонларга батафсил гапириб бериш, уларни юртимиздаги тарихий обидалар билан яқиндан таништириш ушбу оилаларнинг вазифалари сирасига киради. Бу эса, америкалик кунгиллиларнинг юртимиздаги ташаббускорлик фаолиятининг самарали бўлишига имконият яратибгина қолмай, республикамиз равнақига муносиб ҳисса қўша оладиган фарзандларимизни жаҳон талаблари даражасида мутахассис этиб тайёрлашда ёрдам бериши, шубҳасиздир.

Нурлан УСМОНОВ,
«Маърифат»нинг
махсус мухбири

Fidoyilarimiz

Ота-боболаримизнинг бизларга берган панду насиҳатлари орасида инсонга ҳамиша яхшилик қилиш, ўзидан яхши ном қолдириш, жамият учун фидойи фарзандлар тарбиялаб етиштириш каби ажойиб маслаҳатлар борки, улар ҳеч қачон ўз мазмуни ва моҳиятини йўқотмайди. Чунки бу гаплар бекорга айтилмаган.

XXI аср бўсағасида яшаш бизга насиб этган экан, замондошларимиз орасида ҳам иншоолло, бундай ажойиб инсонлар бор. Улар халқни порлоқ келажак учун курашга ва бунинг учун ҳалол меҳнат қилишга даъват этади. Кечаю кундуз халқ гами, ташвиши билан яшайди. Айниқса, мустақилликнинг порлоқ истиқболи учун тегишли ислоҳотларни амалга ошириш ва бунга халқни сафарбар этиш борасида қанчалик катта ишлар амалга оширилаётгани барчамизга маълум.

Ана шундай кишилардан бири таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилояти қўмитаси раиси Собиржон Зоировдир. Агар унинг 60 йиллик ҳаёт йулини таҳлил этадиган бўлсак, ёшларга намуна қилиб кўрсатишга етарли даражада далиллар, яхши ва ажойиб ишлари бор.

С.Зоиров меҳнат фаолиятини Тошкент савдо-кулинария ўқув юртида таълим олишдан бошлаган. Уни битиргач, шу

ЭЛ-ЮРТ ТАШВИШИДА

мутахассисликда ишлади. 1958-1961 йиллар армия сафида хизмат қилди. Кейинчалик Қарши Давлат педагогика институтини тамомлади, жамоатчилик ташкилотларида фаолият кўрсатди. 1972 йилдан кейинги даврларда Қарши шаҳар ижроия қўмитасида раис муовини, Қашқадарё вилояти ҳунар-техника таълим бошқармаси, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлади.

С.Зоиров меҳнаткаш, ўз ишига сидқидилдан қарайди, масъулиятли ва талабчан. Ўзининг сиёсий ва иқтисодий билимларини ошириб борадиган бу инсон ҳукуматимиз медали ва фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.

Мустақиллигимизнинг етти йиллик байрамини С.Зоиров ҳам катта қувонч билан қаршилади. У раҳбарлик қилаётган таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ташаббуси билан вилоятда кам таъминланган оила аъзолари фарзандлари учун 1421 та комплект ўқув дарсликлари бепул тарқатилди.

Биз бу азиз инсон билан фахрланамиз. Мамлакатимиз истиқболи йўлида яна ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб, элу юртдан ажрамай, улар билан бирга бўлишини истаймиз. Чунки яхши инсон эл-юрт ташвиши билан яшайди.

Тошпўлат ТОШЛАНОВ,
Таълим ва фан
ходимлари касаба
уюшмаси Марказий
Қўмитаси бош
мутахассиси

ЭШИТ, ЭРКАМ, ЭРТАК АЙТАЙИН

Sinab ko'ring

Китоблар кишилик жамиятида энг кучли восита, таълим-тарбия манбаидир. Китоб-хазина, билим эса бойликдир.

Очиғи, болаларга ўқиб, айтиб бериладиган эртак, масал, ҳикоя ва шеърлар унинг ёши ва қабул қилиш имкониятларига қараб танланади. Китоб ўқиб беришда эса ўқитувчи, тарбиячи ва ота-оналарнинг ўзларига хос услуби бўлмоғи, шу билан бирга китобларда талқин этилаётган ғояни болалар онгига сингдириш учун, аввало, уни олдин ҳар бир ота-она ёки муаллим яхшилаб ўқиб чиқиши, сўнг яхши кайфият билан болаларга ифодали қилиб ўқиб бериши лозим.

Ўқитувчи – устоз-мураббий ва ота-оналарнинг энг яхши сифатларидан бири унинг овозидир. Овоз болалар руҳиятини кўтаришда, уларнинг осойишта фаолият кўрсатишида муҳим воситадир. Фараз қилинг, агар муаллим ўз овозини болаларга мослаб, лутф билан майин, эркаловчи, аллаловчи каби оҳангда гапирса, синфда ғалағовур бўлмайди. Болалар бу ёқимли овозни жон қулоқ билан тинглаб, оҳиста тин оладилар, жилмаядилар. Бу ҳолат болаларга яхши кайфият беради.

Ўқитувчи болаларга ўргатаётган мавзуга мослаб, албатта, овозини ўзгартириб туриши лозим. Масалан, эртак-ҳикоялардаги воқеалар шундай таърифлаб берилиши керакки, гўё болалар воқеа-ҳодисаларда ўзлари иштирок этаётгандай ҳис қилсинлар. Ана шундагина ўғил-қизлар ўқитувчининг ҳатти-ҳаракатларига беихтиёр эргашадилар. Қўрқув нима, тортиниб туриш нима билмайдилар, қийин пайтларда ҳеч қачон довдираб, саросимага тушмасликка шундай тарбия орқали, нутқнинг таъсирчанлиги туфайли ўқиб олишга муяссар бўладилар.

Ғамгин, паришонхотир ҳолатлар болаларда қачон пайдо бўлиши мумкин? У асар қаҳрамонларини ёқтириб қолганда, қаҳрамон эса бахтга қарши душманга енгилиб қолганида юз беради. Болани ана шундай ҳолатдан қутқариш учун ўқитувчи, тарбиячи, ёки ота-оналар воқеаларни бошқачароқ тарзда якунлашлари, яъни, қаҳрамон уриниб, суриниб бўлса ҳам душман устидан ғалаба қозонишга тайёрланмоқда. Унга сеҳрли кучлар: Сеҳргар кампир, алвасти, ҳатто ажиналар ҳам кўмак беришга келишади. Албатта, сиз ёқтирган қаҳрамонлар омон қолади. Ёв эса енгилади, деб уларда умид учқунларини пайдо қилиш керак.

«Қизил қалпоқча» эртагини эшитмаган бола бўлмаса керак. Аввалари бу эртакда Қизил қалпоқчанинг бувисини бўри еб кўярди, деб якунланар эди. Болалар эса ачиниш билан бирга ҳаяжонланиб, ҳатто йиғлаб юборар эдилар. Қизил қалпоқча эртаги қайта-қайта ишланди. Эндиликда эртак яхшилик, севинч-қувонч билан якунланадиган бўлди. Яъни овчилар келиб, дарров бўри қорнидан бувини қутқариб қоладилар ва буви-невара кўришиб, фалокатдан осонликча холос бўладилар.

Умуман олганда, биз болаларнинг ҳамиша ички осойишталигини таъминлаш учун ҳар бир эртак, воқеа-ҳодисаларнинг якунини мамнуният билан хулосалашимиз, ҳар бир ижобий қаҳрамоннинг мурод-мақсадига эришиши, эришажагига болаларни ишонтиришимиз керак. Зеро, боланинг руҳий олами қанчалик бой бўлса, у соғлом ва бардам бўлиб воя етади.

Ситорахон
РАҲМОНБЕКОВА,
Тошкент шаҳар Мирзо
Улуғбек туманидаги
140-мактаб ўқитувчиси

Ajdodlarimiz

БУЮК АЛЛОМА

Мустақиллик ўтмишимизни, фанимиз тарихини ўрганишга ва қадриятларимизнинг тикланишига кенг йўл очиб берди. Биз ўқитувчилар, ҳар бир фанни ўқитишда бу фанга ўз ҳиссасини қўшган улуғ ватандошларимиз, машҳур олимлар ва уларнинг ишларини тилга олмасдан ўтмаслигимиз лозим, деб биламан. Жумладан, X асрда Хоразмда яшаб ижод этган буюк аллома Абу Райҳон Беруний ана шундай буюк сиймолардан.

Берунийнинг тўлиқ исми - Абу Райҳон Беруний Муҳаммад ибн Аҳмад. Урта асрнинг буюк қомусий олими. Хоразм ўлкасининг Қиёт шаҳрида туғилган. Қиёт Амударёнинг ўнг қирғоғи — ҳозирги Беруний шаҳрининг ўрнида бўлган. У яқин вақтларгача Шоббоз деб аталган. Беруний ота-онасидан жуда ёш қолган ва Ироқийлар хонадонида тарбияланган. Ироқийларнинг охирги вакили Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ироқ Хоразмшоҳнинг жияни – амакисининг ўғли Абу Наср Мансур ибн Ироқ Берунийнинг устози эди.

Беруний жуда ёшлигидан илмга қизиқди. У севган фанлар - астрономия, математика, геодезия, география ва минерология эди. Узининг «Геодезия» асарида аллома 990 йил Қиёт шаҳрининг географик кенглигини аниқлаганини ёзади. Маълумки, географик кенгликни аниқлаш учун география, математика ва астрономиядан етарли билимга эга бўлиш лозим.

995 йил Қиётни Хоразмнинг иккинчи пойтахти Гурганж (Урганч)нинг амири Маъмун ибн Муҳаммад босиб олади. Беруний Ироқийлар хонадонига мансублиги учун Маъмуннинг ғазабидан қочиб, Рай шаҳрига (ҳозирги Теҳрон яқинида) келади. У Райда машҳур олим, математик ва астроном Ал-Хужандий, табиб ва файласуф Ар-Розий билан танишади. Беруний Райда узининг «Ал - Фахрий секстанти» рисоласини ёзади.

997 йил Беруний Қиётга қайтади. Бу даврда Хоразмда ўзгаришлар бўлиб, Маъмун вафот этиб, унинг ўрнига Али ибн Маъмун тахтга чиққан эди. 998 йил Беруний Журжонга келди. У Журжонда 1004 йилгача яшайди. Узининг ун бешга яқин асарини шу ерда яратади.

1005 йил баҳорда бухоролик машҳур табиб Абу Али Ибн Сино ҳам Гурганжга келди, унинг ижоди Берунийга катта таъсир кўрсатди.

Гурганжда Беруний математика, астрономия билан бир қаторда физика ва минералогиянинг баъзи масалалари билан шуғулланди. Минералларни аниқлаш, уларни системага солишда солиштирма оғирликлардан фойдаланиш ғояси ҳам мана шу ерда туғилди. 1017 йил ёзида Маҳмуд Ғазнавий Хоразмни босиб олди. Ғазнавийнинг буйруғига кўра, Беруний асир сифатида Ғазнага олиб кетилди. У ерда оғир шароитда яшади. 1019 йилдан кейин илмий иш билан шуғулланиш имкониятига эришди.

1022—1024 йиллар Маҳмуд Ғазнавий Ҳиндистонга қилган юришида Берунийни ўзи билан олиб кетди. Сафарда ҳам Беруний илм билан шуғулланди. У Панжобдаги Нандна қалъаси ёнида Ер шари меридиани бир градуснинг узунлигини ўлчади ва у 110,895 км. эканини аниқлади. Бу маълумот ҳозирги замон ўлчашлари натижаси – 111,1 км. билан таққосланса, Беруний ўлчашларининг аниқлиги қай даражада экани кўринади. У Ҳиндистонда бўлажак асари «Ҳиндистон тарихи» учун материал йиғди ва уни 1030 йил ёзиб тугатди. Ўша йили Маҳмуд вафот этди ва унинг ўрнига ўғли Маъсуд тахтга чиқди. Маъсуд Берунийга кўп илтифотлар кўрсатди. Шу сабабли, Беруний ўзининг шоҳ асарини Маъсудга бағишлаб «Қонуни Маъсудий» деб атади. Бу асар асосан астрономияга оид бўлса ҳам олимнинг математикага оид, яъни тригонометрия ва сферик тригонометрияда қилган анчагина кашфиётлари шу асарда баён этилган.

Берунийнинг математикага ва фаннинг бошқа соҳаларига қўшган ҳиссасини ёзиб қолдирган 100 дан ортиқ асаридан ҳам кўриш мумкин. Улардан энг йириклари — «Ҳиндистон», «Ёдгорликлар», «Қонуни Маъсудий», «Геодезия», «Минерология» ва «Астрономия». Афсуски, алломанинг бу асарларидан атиги 30 га яқини бизнинг кунларгача етиб келган, холос.

Биз ўқувчиларга буюк алломанинг ёзган асарлари ва олиб борган ишларини тушунтириб борсак, ўтмишимизни, ўз тарихимизни ва қадриятларимизни қайта тиклаган бўламиз.

Мислима НЕЪМАТОВА,
Навоий вилояти,
Қизилтепа туманидаги
21- ўрта мактабнинг
олий тоифали тарих—
география
фани ўқитувчиси

Sog'lom avlod uchun

«ОРЗУ»НИНГ УШАЛАЁТГАН ОРЗУЛАРИ

«Орзу» номли 7-болалар боғчаси Наманган вилояти Норин туманидаги намунали таълим-тарбия масканларидан ҳисобланади. Бу ерда тарбиявий ишлар жараёнини миллий-мафкуравий жиҳатдан таъминлашга катта эътибор берилаётир.

Болалик—шўхлик. Улар катталар билан муносабатда, турмушдаги воқеа-ҳодисаларда ўзига хос оламга эгадирлар. Мурғак қалбнинг тасаввурларини мумкин қадар асраб-авайлаш тарбиянинг энг нозик жиҳатидир. «Орзу»даги болакайлар халқимизнинг қадимий анъаналари, урф-одатларига садоқат руҳида тарбияланяпти. Машғулотлар ҳамда турли-туман тадбирларда ўғил-қизларни зериктирмайдиган, ёшларига мос, фаолликка ундайдиган қувноқ, замонавий ўқув услублари қўлланиляпти. Шунингдек, ота-оналар билан ҳамкорликка ҳам катта эътибор бериляпти.

Кичкинтойлар масканида санъат, инглиз тили, бошланғич иқтисодий билимларни ўргатиш, болалар нутқини ривожлантириш ҳамда соғломлаштиришга мослаштирилган еттита гуруҳ бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз мустақил йўналишига эга. М.Абдураҳмонова, Н.Жўраева, Х.Дўланова сингари тажрибали, болажон мураббийлар бошқаларга намуна бўлишмоқда. Тарбия ўчоғига ўз касбининг устаси, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Офтобхон Жалолова етакчилик қилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даври барча соҳалар каби таълим-тарбия муассасалари ходимларидан ҳам мустақил ҳаракатни, тадбиркорлик билан маблағ топишни тақозо этмоқда. Боғча жамоаси ана шундай давр талабларидан келиб чиқиб, ўз-ўзини бошқаришга бел боғлаган. Ҳозир мазкур масканда чеварлик цехи, аёллар салони фаолият кўрсатяпти. Топилган маблағ боғчани ўз вақтида сифатли таъмирлаш, хоналарни замонавий руҳда безаш, спорт кийимлари, бадиий ансамбль учун либос сотиб олишга сарфланаётир.

Маънавиятни янада ривожлантириш, мамлакатимиз тараққиётининг пойдевори бўлмиш баркамол авлодни тарбиялаш қанчалик эрта, яъни оила, болалар боғчаларида бошланса, шу қадар кўпроқ натижага эришилади. «Орзу»да ишлаётганларнинг орзуси ҳам ана шулардан иборат. Ҳолбуки, боғча жамоасининг бугунги кунда атрофлича олиб бораётган саъй-ҳаракатлари «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»дан келиб чиқадиган устувор вазифаларни бажаришга қаратилгандир.

Ўз мухбиримиз

Taqriz

«БАХШИЛАР САРДОРИ»

Маънавиятга бўлган муносабат миллатнинг истиқболини белгилайди. Шу боисдан ҳам мамлакатимиз Президенти халқ маънавиятини оширишга алоҳида эътиборни қаратмоқда. Мустақиллигимизнинг қисқа даврида бу масалага давлатнинг устувор йўналиши нуқтаи назаридан ёндошилиб, бир қанча фармонлар ва қарорлар чиқарилди. Зеро, маънавиятни англаш халқнинг ўзлигини билишидир.

Маънавиятни камол топтиришга барча соҳа кишилари қатори адибларимиз ҳам салмоқли улуш қўшиб келмоқда. Яқинда нашрдан чиққан Урол Утаев қаламига мансуб «Бахшилар сардори» китоби бунинг бир далилидир.

Урол Утаевнинг Ўзбекистон телевиденисида бахшилар ижоди ҳақида уюштирган туркум кўрсатувларини кўриб, халқ ижодининг бу гўзал намунасидан завқланмаган кишилар кам топилса керак. Унинг «Бахшилар сардори»ни ўқир эканман, собиқ шўролар даврида бир ўзбек бошидан кечирган оғир кунлар ҳақида ўйга толаман. «Бахшилар сардори» китоби бахши шоир Қодир Раҳим ўғли ҳаёт йўли ва ижодига бағишлангани, бағоят таъсирчанлиги билан эътиборга лойиқ. Китобдаги «Бахшилар сардори», «Кўнглим гулдай яйрайди»,«Учган чироғинг ёққали», «Қозоқ элин булбуллари», «Сирли хат», «Бетакрор ижодкор, беназир инсон» каби илмий-оммабоп мақолаларнинг жонли талқини кишини лоқайд қолдирмайди.

Қодир бахши ҳақиқатан ҳам замонавий бахшиларнинг чин маънодаги сардори эди. «Бахшилар сардори»ни ўқиб бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Китоб саҳифаларида бахши шоир ижодига мансуб бахшиёна шеърлардан намуналар берилган. Ватанга муҳаббат, миллий ғурурга даъват этувчи сатрлар ҳар қандай ўқувчини ўйлашга, фикр юритишга чорлайди.

Бир сўз билан айтганда, китоб инсон тақдирига бағишланган чинакам қасидага ўхшаб кетади. Дарҳақиқат, Қодир бахши бу дунёни эрта тарк этди. Ноўрин қийин-қистовлар, шўро мафкурасининг таҳқирларини юрагига сиғдира олмади... Ана шундай истеъдодли инсоннинг драматик қисмати талқини «Бахшилар сардори»да ўзининг чин ифодасини топган.

Сени чертсам кўнглим гулдай яйрайди,
Булбулдай сайраб чиққан дўмбирам, - деб ҳайқириб, тўлиб-тошган бахшига асрий орзулар ушалган бугунги дорилмомон кунларни қўйлаш насиб этмади.

Адолат тантана қилиб, мустақилликка эришиб, ўтмишни, ўтган кунларни, бахшиёна достонларни завқ-шавқ билан қўйлашга бугун барча имкониятлар очилди. Шу нуқтаи назардан бир таклифни айтиш жоиз деб ўйлайман. Мустақил давлатимизнинг мактаб ва ўқув юртлари учун қўлланма сифатида «Ўзбек бахшилари» китобини яратиш пайти етиб келганга ўхшайди.

«Бахшилар сардори»да Узбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Матёқуб Қўшжоновнинг «Тадқиқот ва камолотнинг машаққатли йўли» сарлавҳали таҳлилий мақоласи ҳам жой олган. «Бахшилар сардори»ни Қарши шаҳридаги «Насаф» нашриёти 2000 нусхада чоп этган. Маҳмуд Пирматов ва Темирпўлат /Тиллаев китобга муҳаррирлик қилишган.

Энг муҳими, китоб публицистик руҳда, равон тилда ёзилган. Уни қўлга олиб ўқиган кишида бахши ҳаёти ва ижоди ҳақида тўлиқ таассурот пайдо бўлади. Бу муаллифнинг энг катта ютуғидир.

Абдулҳамид Ҳожи
ҲАБИБУЛЛАЕВ,
Халқ таълими
аълочиси

Litseylar hayotidan

ИСТИҚБОЛНИ КЎЗЛАБ



Ташкил топганига эндигина икки йил бўлган Тошкентдаги 310-иқтисодиёт лицейида фидоий педагоглар кўплаб топилади.

Лицейда ўрта мактаб дастуридаги фанлар билан бир қаторда иқтисод фанининг пойдевори бўлмиш математика , ЭҲМ ҳамда компьютер , шунингдек, инглиз, рус, араб тиллари ҳам чуқур ўргатилади.Шу сабаб бу даргоҳда олий ўқув юртларининг ўқитувчилари ҳам ишлашади. Уларнинг етти нафари фан номзодидир. Талаб ниҳоятда кучли. Ўқувчилардан замон билан ҳамнафас қадам ташлаш, илғор, мустақил фикрлаш талаб этилади. Шу боис ўқувчилар ўзларини оддий мактаб ўқувчилари эмас, балки олий ўқув юрти талабаларидек тутишади. Бу ҳолат уларнинг фикрлаш доирасию муомалаларидан ҳам яққол сезилади.

— Лицейимиз аҳоли зич жойлашган ерда бўлгани ёки тажрибали мураббийлар йиғилгани учунми, билмадим, унга қизиқиш катта,- дейди лицей директори Юлдуз Низомова. - Ўқитувчиларнинг аксарияти олий ўқув юртларида ишлаб, тажриба орттирган, ўз соҳасининг билимдонлари, бор билимларини ёшларга беришга тайёр мураббийлардир. Улар ўқувчиларга ўқиб-ўргатишдан ҳеч қачон ўзларини олиб қочмайдилар.

Бундан ташқари ёшлар бўш вақтларини фойдали ўтказишлари учун лицей қошида ганчкорлик, дурадгорлик ва тикувчилик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди. Мактаб кутубхонаси эса доимо китобхонлар билан гавжум.

Юлдуз ёш бўлса-да, аммо тажрибали педагоглардан. У Тошкент Давлат университетининг физика-математика факультетини битирган. Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлимида ишлади. Ёшларни тарбиялаш марказида директор лавозимида фаолият кўрсатди.

Юлдуз бу ерга келганида юқори синф ўқувчилари таълим олишарди. Аммо бу ҳолат замон талаблари асосида иш юритишга ўрганиб қолган Юлдузни қониқтирмади. Шу боис у туман халқ таълими раҳбарлари билан маслаҳатлашиб, мактабни авиация лицейига айлантирмоқчи бўлди. Ҳомийлар ҳам бошида қуюқ ваъдалар беришди, ҳужжатлар тайёрланиб, имзолар чекилди. Охирги дақиқаларда улар ваъдаларидан қайтишди. Аммо тадбиркор раҳбар аҳдидан қайтмади. Бошқа ҳамфикрлар топиб, мактабни иқтисодиёт лицейига айлантирди.

Юлдуз Низомованинг орзулари катта. У ҳозирда таълим олаётган ўқувчиларни олий ўқув юртларига кириб, яхши мутахассис бўлиб етишишларини орзу қилади. Ҳар бир ўқувчига қараб, оддий бир болани эмас, балки келажакда давлатимиз равнақига катта ҳисса қўшадиган шахс - инсонни кўради.

Мактаб ҳаёти билан танишиб, педагоглар жамоасига ҳамда бу ерда таълим олаётган ўқувчи-ёшларга ҳавасим келди. Сабаби, ёш, тажрибали, серғайрат, ширинсўз аёл раҳбар бўлган жамоада ишлашнинг ўзи бир бахт.

Мактаб-лицейда таълим олаётган бугунги кун ёшларининг истиқболи порлоқ эканига ишончим комил.

М.АБДУЛЛАЕВА
Суратда: лицейдаги дарс жараёнидан лавҳа.
В.Гранкин олган сурат

«ACCELS» ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Америка Қўшма Штатларининг таълим ва тил ўргатиш «ACCELS» ташкилоти ўзаро тузилган шартномага мувофиқ республикамизнинг иқтидорли ўқувчиларини хорижий давлатларда ўқишларини таъминлаш учун танлов ўтказмоқда.

Унда инглиз тилини чуқур биладиган, инглиз тили бўйича ўтказилган туман, шаҳар танловларининг ғолиблари иштирок этишяпти.

Айни дамларда Нукус ва Урганч шаҳарларида танловлар ўтказилди.

Танлов шу йилнинг 12 ноябригача давом этиб, барча вилоятлар бўйича ғолиблар саралаб олинади. Унинг самарали ўтиши учун танлов ўтказиладиган 8 та вилоят марказида барча шароитлар муҳайё этилган.

Ўз мухбиримиз

СИЗНИ ДАРЁ БЎЛИБ ИЗЛАГАН ЭДИ...

Turob To'laning 80 yilligi oldidan

Шоирнинг қайси бир шеърини ўқимай ўзимни оромли ҳислар, нафосат, ғўзаллик, нафислик, дилгирлик, тиниқ оҳанглар қўйнида ардоқлангандай сезаман. Ҳозир устоз Туроб Тула шеърларининг қайси бири ҳақида сўз юритсам экан? Бахт ва кураш ҳақидаги «Қай тилда куйласам...» шеъридан гап очайинми? Ватан ҳақидаги сатрларини ўқиб:

Мен сени ўйлайман она тупроқ,
Сенинг тинчинг, ҳаловатингни.
Юрагимни босади титроқ
Унутганларида отингни, - дейман.

Шеър мени муҳаббат алангасига ташлайди. «Замон юрагига қўл солиб» кўраман: ўзга ерини босган «қоп-қоронғи ис» безовта этади. Шарқнинг кенг кифтига минганлар улоқтирилган, аммо уни талаб, энди кўзи очилганлар бош кўтараётганидан чўчиган, «бир чўқиб, бир қараб турган» ўша иблис менинг тинчимни олаяпти. «Инсон коинотга дарча очиб, фазо ишларини» тергаб турган шундай ақлу заковат замонида найрангбозлар, мунофиқлар, гумроҳлар, инсон қиёфасидаги зулуклар яшаб бўлди «сўнгги кунини». Даврнинг ўзи уларни писта пўчоқдай, кеч куз хазонидай улоқтирди. Шу орада фикрлар туманини тарқатиб, офтоб бўлиб, боболар руҳи кириб келяпти.

Ҳа, шундай. Айтмоқчи бўлиб турган гапингни шоир топиб, мана ўқинг деётгандай. Шеър куч беради, у охирига етмаган ишинг, янги режаларинг бағрига бардамлик билан олиб киради. «Мангулик қўшиғи»ни, «Гулхан», «Самарқандга», «Акс садо», «Ҳазрати инсон» ва «Лаҳзалар қасидаси»ни ўқиб, Ватан севгиси, ғурур ва ифтихор туйғуси, иқбол таронаси дил-дилимга сингяпти. «Менинг онам» мени ўзимга қаттиқроқ тортяпти. «Ун саккизда эди...» Уни кўраяпман. Шаҳло кўзлари чақнаб, узун-узун киприклари пирпираб, озодлик ҳавосини чанқоқлик билан тўйиб-тўйиб шимириб турганда «уни ўлдирдилар гулхан тепасида...»! Аммо у Нурхон, Турсуной, Сора бўлиб «тирилаверди Жаннат бўлиб, Тожихон бўлиб». Уларнинг ҳар бирига аталган сўз жаранглаяпти. Шоир «Энди туғилгандим Сизни отганларида» деб бошлайди яна бир шеърини. Унда ўзини фидо этганлар юлдузи умримиз юлдузларига уланганини айтиб, улар билан суҳбатни давом эттираяпти. «Тошкент таровати», «Тағин ўша қайин», устоз Уйғунга бағишланган «Чинор ва шоир», «Сильва», «Қўллуқ», «Минг пиллапоя» сингари шеърларнинг ҳар бири ўз ҳаяжони, ўз тўлқини билан тўлдириб-тошираяпти. «Уруш хавфи саробга кетди», «Имзо чекдим», «Ит ҳуради, карвон ўтади» шеърларида «Фашизм вабосин қораси» кетиб, курраи заминнинг яраси битаётганини, идрок ва тафаккурдан ёзувларнинг ларзага келганини кўргандай бўламиз.

Туроб Тўланинг сатрлари ҳамиша кўнгилни нур бўлиб, эзгулик, ҳаёт лаззати бўлиб, йўқолган аммо қайта топилган туйғу бўлиб юпатади. Унинг жуда илғари «Ҳақорат дангизи қаърига чўккан» Африка бош кўтарганини қувонч билан ёзган «Африка силкинди» шеърини, «Қўллик занжирини узиб ва отиб» довулга айланиб бораётгани сингдирилган «Мингорол қўшиғи»ни ўқияпману, Осиё ва Африка ёзувчилари Тошкент конференцияси тантаналари қатнашчиларининг мустамлакачилик, тенгсизлик ва зўравонликка қарши курашга даъват этган юрак сўзларини қайта эшитаётгандайман.

Шоирнинг «Офтоб найзада», «Ҳорма, Аму», «Момо-Ер», «Баҳор дала супурмоқда», «Инсон фазилати», «Қаҳрамон», «Ғанишернинг шуҳрати» «Лолагинам», «Ғўза ниш урди», «Баҳор элчилари», «Куз кўрки» ва бошқа шеърлари - Ер фарзандининг ерга меҳри! Шоир «Чўлга қош бўлиб, Амудан бошини кўтарган гиёҳ! Бир маҳбуб мисоли чўлга сирдош бўлиб, унинг юрагини қўзғиган» ўша ғўзал нигоҳни, икки халқ қўшиғига тор бўлган дарёни, муҳаббати лочин қанотини бериб «бўздан бўзга учирган»ларни қалб қалами билан яна ва яна куйламоқчи эди. Тонгги шудринг, ариқлар лабидаги ялпизлар, «кўм-кўк дала, кўм-кўк осмон, кўм-кўк ғўза олами», пахтазорни тутиб кетган қовун ҳиди, кулиб-кулиб турган чучмомаю бойчечаклар Туроб Туланинг шеърларида «худди эшигидан чиқиб турган» ғўзалдай.

Туроб Туланинг «Узга», «Юртим», «Оҳиста-оҳиста», «Раво билма», «Эй, гул», «Санам, ҳеч борми инсофинг», «Куйлатиб қўйдинг мени», «Ғўзал», «Ўзбекистондан», «Лайломисансан», «Ширмоной», «Тошкент наҳори», «Уч дугона», «Олтин сандиқ», «Хаёлим сенда» сингари кўплаб қўшиқлари саҳнадагинамас, экрандагинамас, сувчининг ҳам жўяклар оралаб юриб,чупоннинг яйлов ҳавосига ҳамоҳанг айтаётган дил садоси!

Шоирнинг уч жилдлик асарлари биринчи жилдини варақлайман. Китобдан ўрин олган муҳаббат, вафо ва садоқат достони «Ҳамият», етти воқеалик драматик достон — «Қари қиз» катта ва алоҳида тайёргарликни талаб этадиган суҳбатга мавзулардир. Адибнинг драмалари, «Мафтунингман», «Шошмақом» бадиий кинофильмлари, «Замон ҳукми», «Суюк Момо», «Чақар» каби достонлар, балладалар, адабиёт, санъат ҳақидаги – шеър ва шоир, рақс ва рақҳоса, куй ва бастакор ҳақидаги ўйлари — «Нафосат» китоблари теран мушоҳада талаб этадиган асарлар...

Туроб Туланинг ҳар бир сатри ўзи орзу қилгандай «Амудай мавж ур»иб, жўш уриб, тўлиб-тошиб, «Марғилон ипаги сингари товланиб, Ҳалима авжидай боғлардан ошиб» турибди. Жанубий Қозоғистоннинг Тошкентга туташ, сулим Турбат қишлоғида таваллуд топиб, адабиётга қишлоғининг кенг ва тоза ҳавосини олиб кирган Туроб Тула ҳозир орамизда йўқ. Аммо ёзганлари кўнгилни яшнатувчи жилға бўлиб, дарёи азим бўлиб ҳамон оқяпти. Эй, меҳру муҳаббат, эй, нозик ҳиссиётлар, бугунги ҳурмат, эъзоз ва эҳтиромлар, шоир Сизларни дарё бўлиб излаган эди. Сизларнинг бағрингизга янги қўшиқ ва янги оҳанглар билан дарёдай тўлиб-тошиб кириб келгани вақт ўтган сари яна жозибалироқ сезилаяпти.

Йўлдош СУЛАЙМОН

G'urur

ВАТАН ИФТИХОРЛАРИ

ёхуд улар ҳақидаги тўплам

(Боши 1-бетда)

Вазирликнинг жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи Р. Саломовнинг бизга маълумот беришича,тўплам айни кунда тайёр бўлиб, «Ўқитувчи» нашриётидан 500 минг нусхада чоп этилиши кўзда тутилмоқда.

Тўпламни чоп этишдан асосий мақсад ёш авлодни кучли, соғлом ва ватанпарвар қилиб тарбиялаш, унинг онгига элу юрт шарафини, обрўйини ҳимоя этишдек муқаддас ғояни сингдириш ва ана шу йўлда «Ўзбекистон ифтихори» бўлган спортчиларимизни намуна қилиб кўрсатишдан иборат.



АРТУР — ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИ

Артур Григорян 1967 йил 20 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган. 11 ёшидан бокс билан шуғулланади. Ҳаваскор бокс рингига ўн беш ярим йил мобайнида 378 марта чиқиб, 366 тасида ғалаба қозонган. Турли хил халқаро турнирлар, мамлакат чемпионатлари, кубок баҳслари, Спартакиада беллашувлари, қитъа ва жаҳон чемпионатлари, «Яхши ният ўйинлари» каби мусобақалар рингига чиқиб, 40 тадан ортиқ Фахрий ёрлиқ, кубок ва дипломларга сазовор бўлган.

1992 йилда Германия чемпионати бундеслигасининг «Галле» клуби билан шартнома тузди ва икки йил давомида 18 марта рингга чиқиб, унинг барчасида ғалаба қозонди, мамлакат чемпиони бўлди.

Артур 1994 йил 6 мартида Ҳамбургнинг «Universum woxpromotion» клуби билан шартнома имзолади ва ҳаваскор боксдан профессионал боксга ўтди.

1995 йилнинг январ ойида Бутунжаҳон профессионал бокс ташкилоти (WBO) паноҳида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида Минтақаларо чемпионликни, 1996 йил 13 апрелда жаҳон чемпионлигини қўлга киритди.

Шу кунгача у бу унвонни беш марта сақлаб қолиб, 61 кг вазн тоифаси бўйича WBOнинг мутлоқ ғолиби ва «Олтин камар»нинг доимий соҳиби бўлди.

Артур Григорян юртимиз довруғини дунёга ёйишга қўшган катта ҳиссаси учун 1996 йилда мамлакатимизнинг юксак унвони — «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланган.

Артур 24 марта профессионал бокс рингига чиқиб, унинг барчасида ғалаба (15 тасини нокаут билан якунлаган) қозонган.

Артурнинг бўйи 1 метру 70 см. Энг яхши кўрган боксчиси Майк Тайсон.

Бўш вақтларида мусиқа тинглашни ёқтиради.

Икки фарзандинг (Арина — 8 ёшда, Карина — 6 ёшда) отаси.

Рафиқаси Ольга ҳамшира, айни дамда уй бекаси.

Бугун юртимизда етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган кишилар Артур Григоряннинг оламшумул ғалабалари ҳақида гапираяпти. Бу суҳбатларга спортга мухлисликдан ҳам кўра юртдош билан фахрланиш туйғуси асос бўлмоқда. Шу боис, биз бу суҳбатларда эҳтиёж туғилаётган баъзи маълумотлар ҳақида тўхталиб ўтишни жоиз топдик. Зеро, бу бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг баъзи қийинчиликларидан қочиб, пул топиш йўлига кириб кетаётган, келажаги буюк юртнинг пойдеворини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш масъулиятидан ўзини имкон қадар четга олаётган, миллий ғурури ва эътиқодини арзимас баҳоналар билан топтаётган айрим ёшларимиз учун ғоят муҳимдир.

Ҳамбург. 1996 йил. Апрел ойининг дастлабки кунлари. Яна бир неча кундан сўнг профессионал боксда 18 марта рингга чиқиб, уларнинг барчасида ғалаба қозонган Артур Григорян жаҳон чемпионлиги учун Пуэрто-риколик Антонио Риверага қарши рингга чиқиши керак. Бундан хабар топган Германияда яшовчи бир гуруҳ арман миллатли кишилар Григорян ҳузурига Арманистон байроғи ва гимнини олиб шошилишади. Табиий, Артур уларни қучоқ очиб, очиқ юз билан кутиб олади, бироқ уларнинг мақсадини билиб, қўнглига хижиллик кўчади. **«Бародарларим, — дейди у — Сизларни ғоят ҳурмат қиламан. Лекин менинг бу ҳурматимни тўғилиб вояга етган юртимга, Ўзбекистонга бўлган муҳаббатимга қарши қўйишингизни истамайман».**

Профессионал рингда биринчи марта мадҳия қўшиқ билан янгради. Бу оламшумул воқеадан бироз олдин Артур кўнглига хижиллик солган яна бир воқеа содир бўлди. Миллатдошлари ҳали ҳам шаштидан қайтишмаган экан.

— Майли, сенинг истаганингча бўлсин, — дейишди улар Артурга. — Рингга чиққач, Узбекистоннинг байроғини ўп, сўнг Арманистоннинг.

Артур бунга ҳам унамади. Ахир, бир қалбга икки Ватан қандай сиғсин. Кишининг эътиқоди бутун бўлиши керак. Шунда улар Артурга катта миқдорда пул ваъда қилишди. Артур бу илтимосни жавобсиз қолдириб, ринг томон юзланди.

Артурнинг сўзлари қанчалик сидқидилдан айтилаётганини билишга бўлган журналистча ҳис маҳсули билан савол бердик:

— Артур, сиз Ўзбекистонни нима учун севасиз?

—Узбеклар орасида катта бўлганман. Узбек тилини яхшигина билсам-да, негадир узбек журналистлари менга рус тилида савол беришади. Мен уларни қизиқтирмаслигим мумкин, лекин узбекларнинг урф-одатларини яхши биламан. Хусусан, узбекларда ота-она фарзандидан (ёки фарзанд ота-онадан) ҳеч қачон «Сен мени севасанми?» деб сўрамайди. Ватан бу онадек гап. Айниқса, буни хорижда юрганда чуқур ҳис қиласиз. Шундай экан, сизнинг саволингиз ҳам ўринсиз. Узбекистон менинг Она юртим.

Ahmad al-Farg'oniyning 1200 yilligiga

АЛЛОМАЛАР ГУРУНГИ

Илмий-фантастик лавҳа

Беруний: — Сиздан ва биздан кейин Колумб Ер параллели бўйича Ғарбга, челюскинчилар шимолий Қутбга боришган экан. Сиз, маълумки, қутбда бўлмагансиз. Лекин, фикран, Қутбда осмон манзараси қандай деб тасаввур қилгансиз, бундан ўн икки аср илгари?

Ал-Фарғоний: – Осмон қутби кенгламаси 90 бўлган жойда, у зенитдаги вақтда, яъни Ернинг шимолий қутбида /айнан Жанубий қутбда ҳам/ осмон экватори доираси горизонт доирасида ётади. У ерда осмон гумбазининг айланиши тегирмон тоши айланиши сингари бўлиб, горизонтга параллелдир. Осмоннинг экватордан юқориги шимолий ярим шари бу ерда доим кўринади, жанубий ярим шари эса доимо кўринмайди. У ерда бутун йил — бир сутка, кундуз — олти ой, тун — олти ой.

Улуғбек: — Бундай чуқур абстракцияни тасаввур қилишга ҳамма ҳам муяссар бўлмайди.

Ал-Фарғоний: — Ер сирти бўйлаб саёҳатда осмон манзараси қонуният билан ўзгаради.

Беруний: — Нега кундуз билан тун бир-бирига тенг бўлади, ёки улар катта-кичик бўлади?

Ал-Фарғоний: — Қуёш доираси /эклиптика/ бу кун осмон экваторини кесади ва горизонт тенг иккига бўлинади. Қуёш Зодиакнинг шимолий белгиларида кундузи кечасидан узунроқ бўлади. Қуёш экватордан шимолга узоқлашган сари кундузнинг кечасидан узунлиги ўзгариб боради. Қуёш осмон экваторидан энг узоқлашгунича, Саратон бошигача. Шу куни кундузи энг узун, кечаси энг қисқа. Қуёш Зодиакнинг жануб белгиларида бўлганида — уларнинг тескариси. Қуёш баландлиги эклиптика оғишига тенг бўлган жойларда Қуёш зенитда бир йилда бир марта бўлади, бу вақтда Қуёш саратон бошига етади.

Птолемей: — Бу биз учун қизиқарли нарса.

Ал-Фарғоний: — Оптика ҳодисалари: кузатилганлар ҳақиқат бўлавермайди. Қуёш Саратон бошида бўлганида кундузи 24 соатга тенг ва тун деярли бўлмайди, жадий бошида бўлганда эса, тун 24 соатга тенг ва кундузи деярли бўлмайди. Бу жойларда эклиптика қутби зенитда бўлади, эклиптиканинг ўзи эса, горизонт доирасида ётади. Бу пайтда ҳамал боши баҳор шарқда, мезон куз боши — ғарбда, саратон ёз боши— шимолда, жадий боши — жанубда бўлади.

Коперник: — Мана шу «деярли» сўзи менга жуда ёқди. Бу сўз астрономия жиҳатидан озроқ ноаниқликни кўрсатса ҳам, геофизика жиҳатидан атмосфера оптикасига янада аниқлик киритади. Яъни Қуёшнинг ўзи кўринмаса ҳам, унинг атмосферадаги нури озроқ ёритиб туради. Ал-Фарғонийнинг бу фикрининг ўзи атмосфера оптикасининг замин қонуниятларидандир. Кейинги асрларда Ферма, Гейгенс, Ньютон, Лагранж, Гельмгольц, Аббе назариялари мана шу «деярли» ҳодисага асосланган экан.

Ал-Фарғоний: — Эҳтимол, биздан кейин пайдо бўлган ва ҳозир сиз айтган атмосфера оптикасининг геометрик қонуниятлари менга кузатиш даражасида маълум эди. Дарҳақиқат, самовий жисмларга Қуёш, сайёралар, юлдузлар киради. Улар аслида ҳар хил катталикда. Қайсиси катта, қайсиси кичик эканлигини биз кўз билан аниқлай олмаймиз. Уларнинг ичида Қуёш билан Ой катталиклари /баркашлари/, мана 12 асрдан кейин энди эшитганим атмосферанинг геометрик оптикасининг замонамизга хос тасаввурини ўз китобимда ёзган эдим. «Катталашиб — кичиклашиб бориш» деганимизда икки ҳодисани бир-биридан ажратиш керак. Биринчидан, атмосферанинг борлигидан қатъий назар, Қуёш ва Ой чиқаётганида уларнинг юзлари йўқдан бор бўлиб, катталашиб боради, ботаётганларида — кичиклашиб бориб, охири йўқ бўлиб кетади. Буни пайқаш учун илмий мулоҳаза талаб қилинмайди. Иккинчиси — атмосферанинг горизонтдаги жойида у жисмларнинг юзлари ҳақиқатдагисидан, масалан, осмондагисидан фарқ қилиб каттароқ кўриниши мумкин. Сабаби — кўзимиз билан горизонтда турган Қуёш ва Ой орасидаги масофада Ердан кўтарилаётган буғдир /айниқса, қишда ва ёмғирдан кейин/. Буғ кўз нурини оғдиради. Худди шундай ҳол сув остидаги нарсанинг чуқуроқлигига қараб каттароқ бўлиб кўринишига сабабдир. Бундан кенгроқ хулоса чиқариш мумкин: маълум бир нарсанинг ҳақиқий ҳоли билан кўринма ҳоли орасида тафоввут бўлиши мумкин.

Улуғбек: — Ал-Фарғонийнинг юбилейига бағишланган кечаги Халқаро илмий симпозиумда ҳозирги замон олимларининг айтишларича, Қуёш ва Ой тутилишини олдиндан айтиб бериш учун геоцентризмми, гелиоцентризмми, бунинг фарқи йўқ экан. Сиз, ал-Фарғоний, бу тутилишларни қандай тушунгансиз?

Ал-Фарғоний: — Ой нурни Қуёшдан олади. Шунинг учун Қуёш ва Ой бизга нисбатан бир томонда бўлса, Ойнинг бизга тескари томони қоронғу, агар улар бизга нисбатан тескари турса, Ойнинг бизга қараган томони ёруғ кўринади. Қуёш Ернинг ҳам ярмини ёритади ва Ер сиртидан қайтаётган нур ҳам Қуёш билан бирга шарқдан ғарбга айланади. Қоронғулик ҳам айланади. Қуёш Ерга қараганда катта бўлганлигидан Ер сояси конус ичида узоқлашиб бориб, охирида йўқ бўлиб кетади. Агар Ой Қуёшга тескари турган бўлса, Ер Қуёш нурини бекитади ва Ой тутилган ҳолда кўринади, соя ўтгунча. Агар Ой Ер билан Қуёш орасида бўлиб қолса Қуёш тутилади.

Коперник: — Кечаги бир илмий маърузада айтилишича самовий жисмлар ҳаракати механикаси ва космодинамикаси математик фан бўлиб, унинг асосини 17-18 асрларда кашф этилган классик механиканинг асосий қонунлари ташкил этади. У эса, ўз навбатида, ўрта асрлар тажрибаси ва мулоҳазаларига асосланган. Гап шундаки, бу фанда Қуёш, Ой, Ер, сайёралар ўз массаларига эга бўлган нуқталар деб қаралар экан. Эшитишимча, бу тамойилни сиз, ал-Фарғоний, киритган экансиз.

Ал-Фарғоний: — Самовий жисмнинг нуқталиги — абстракция. Ҳатто, нуқтадан кичик нуқта тушунчаси ҳақида гапирган эдим. Дарҳақиқат, Ерни осмонга қиёс қилсак, у бир нуқтадир. Ер сиртидаги горизонт текислиги билан Ер марказидан ўтувчи текислик орасидаги бурчак билинар-билинмас. Шунинг учун кузатувчи Ер юзидами, марказидами барибир. Осмон катталигига қиёс қилинса, унинг аҳамияти йўқ. Ер шарини осмон сферасига қиёс қилсак, у фақат бир нуқтадир, холос. Юлдузлар Ердан катта бўлса ҳам, бизга нуқталар бўлиб кўринади. Осмондаги ёритгичларнинг ярми жуда кичик юлдузлар, улар Ердан катта бўлсалар ҳам бизга нуқталардек кўринади. Ваҳоланки, Ер жисми энг кичик юлдузлардан ҳам кичиклиди. Демак, юлдуз бир нуқта экан, Ер ундан ҳам кичик нуқтадир.

Улуғбек: — Самовий жисмлар ҳаракати неча хил?

Ал-Фарғоний: Осмонда кўринадиган ҳаракат икки хил бўлиб, биринчиси — коинот ҳаракати — Қуёш, Ой ва барча ёритгичларнинг шарқдан ғарбга айланишидир. Айланиш вақти бир сутка. Бу айланиш белбоғи кичик доира бўлиб экватор айланасидир. Қуёш ва планеталарнинг ғарбдан шарққа ҳаракати иккинчи ҳаракати бўлиб, у биринчи ҳаракатдан йўналиш жиҳатидан фарқ қилади. Биринчи ва иккинчи ҳаракатлар иккитадан қутблар атрофида, лекин бу жуфт қутблар бошқа жойларда жойлашган. Иккинчи ҳаракат айланаси катта доира белбоғи бўлиб, эклиптика дейилади. Эклиптикани Қуёш ғарбдан шарққа ҳаракатида чизади. У бурж белгилари дейилувчи 12 қисмга бўлинади.

Птолемей: — Сайёралар бошқа самовий жисмлардан нима билан фарқ қилади?

Ал-Фарғоний: — Сайёралар эклиптика қутблари атрофида ғарбдан шарққа махсус ҳаракат қилади.

Птолемей: — Қутб атрофида айланувчи қутб деган экансиз...

Ал-Фарғоний: — Биринчи ҳаракатда қутблардан ўтувчи доира шундай ҳаракат қиладики, осмон экватори қутблари маҳкамлаб қўйилган ва ҳаракат қилмайди. Эклиптика қутблари биринчи ҳаракатда осмон экватори қутблари атрофида айланади ва икки доира қутбларидан ўтган доирада заруран етади.

Коперник: — Эй, прецессия ва нутация дейиладиган ҳаракатлар назариялари шу мулоҳазалардан бошланган экан-да.

Улуғбек: – Мана ҳозиргина Птолемей билан Коперник мунозара қилишди. Бу ҳақда мен ҳам ўз фикримни айтмоқчиман. Птолемейдан бошлаб оламнинг тузилиши геоцентризм қоидалари билан тушунтирилган. Ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Форобий, Беруний ва мен шунга амал қилганмиз. Ичимизда Коперник бунга қарши чиққан экан. Бу зиддиятни Птолемей билан Коперник бир-бирига душман деб тушунмаслик керак, балки бу — замоннинг замондан фарқидир. Геоцентризмдан гелиоцентризмга ўтиш учун ҳали бир неча асрлар керак эди. Иккинчи сўз билан айтсак, бизларнинг ҳаммамиз ўтиб кетишимиз ва Коперникнинг туғилиши керак экан.

Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ

(Давоми бор)

Xullas...

БИЛЛ ГЕЙТСНИНГ ДАРОМАДИ

Компьютер деган нарса ҳам одамни бойитиб юбориши мумкин экан. Албатта, бунинг учун юксак ақл-заковат эгаси бўлиш лозим.

Кучли интеллект соҳиби Билл Гейтснинг ҳаёти мисолида бунга амин бўлиш мумкин. Компьютер учун дастурлар тузган бу одамнинг умумий даромади 54,355 миллиард Америка долларига тенгдир.

3-курсда Гарвард университетини тарк этган талаба компьютерлар учун дастурлар тизимини яратишга шўнғиди. Бора-бора у корпорация президенти бўлиб олди. Эндиликда мана ман деган корпорациялар ҳам унга тенглаша олмаётибди. Ҳаттоки, Билл Гейтснинг бошини айлантириб олмоқчи бўлган аёллар ҳам доғда қолишмоқда.

МУҲИМИ БОШМИ, ФУТБОЛМИ?

Ўйинчи тўпни боши билан урганда, унинг миясига қандай таъсир этишини билиш учун Англия футбол ассоциацияси профессионал ўйинчиларни комплекс текширувдан ўтказишди.

Маълум бўлишича, бош билан тўп уриш мия тўқималарининг шикастланиши ва бошқа ёмон оқибатларни келтириб чиқариши мумкин экан. «Ассошиэйтед пресс» агентлиги футбол ассоциацияси бу тадқиқотни босиб чиқарган. Лекин ташкилот раҳбари Горден Тейлор бундан ваҳимага тушмасликни уқтиради. Унинг фикрига кўра, ашаддий футболчилар ҳеч нарсадан тап тортмайдилар.

ҲАММА ЖОЙДА ТОПИЛАР ЭКАН...

Америка Президенти Билл Клинтоннинг ишқий саргузаштлари ҳақидаги миш-мишлар қанчалик рост-ёлғонлиги ёлғиз худога аён. Тадқиқотчиларга мавзу топилса бўлди. Америкадаги фирмалардан бири эр-хотиннинг бир-бирларига хиёнат қилишлари устида тадқиқот олиб боришди.

Савол-жавобларда 16 мамлакатдан 10 минг нафар эркак ва аёллар иштирок этишди. 1-ўринни Клинтоннинг ҳамюртлари эгаллашди. Улар суроқ қилинганда, шу нарса маълум бўлдики, аксарияти қачондир хотинига бир марта бўлса ҳам хиёнат қилган. АҚШдан кейинги ўринда эса Россия ва Буюк Британияликлар туришар экан...

ana shunaqa gaplar...

Sport

ОЛТИН ОЛИМПИЯ ОРДЕНИ

Сеул шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро олимпия қўмитасининг ижроча кенгашида Узбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси Собиржон Рузиевни олтин Олимпия ордени билан мукофотлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу ҳақда Миллий Олимпия қўмитасига ХОҚ раиси Хуан Антонио Самаранчдан табрик факси келиб тушди.

ВОЛЕЙБОЛЧИЛАР КУБОГИ

Нукус шаҳрида волейбол бўйича эркаклар жамоалари ўртасида ўтказилган Узбекистон кубоги ўйинлари ўз ниҳоясига етди. Қўқонлинг «Автомобилчи» жамоасини ҳар учала сетда ютган Самарқанднинг «Самтелеком» клуби аъзолари учинчи бор ушбу кубокка сазовор бўлишмоқда. Мезбонларнинг «Қорақалпоғистон» жамоаси қўқонликлардан сўнг учинчи ўринни эгалладилар.

ТЕННИСЧИЛАР УЧУН ИМКОНИЯТ

Шу кунларда Фарғона, Қарши ва Самарқанд шаҳарларида «Буюк ипак йўли» — Сателлит халқаро теннис турнири баҳслари ўтказилаяпти. Бу мусобақа иштирокчиларига 15 мингдан 25 минг АҚШ долларигача мукофот белгиланганлиги ҳамда Россия, Бельгия, Қозоғистон, Украина, Молдавия, Венгрия, Миср, Швеция ва Словакиядан моҳир теннисчилар иштирок этаётганлиги билан мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

ФУТБОЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

Футбол бўйича XXV тур ўйинлари олий лига жамоалари ўртасида қуйидагича якунланди:

«Сўғдиёна»—МХСК—4:2,
«Хоразм»-«Косонсой» - 3:0,
«Андижон»- «Трактор»—1:1,
«Металлург»—«Зарафшон» - 1:0
«Сурхон» — «Навбаҳор» —3:1,
«Бухоро» — «Насаф» — 2:1,
«Темирйўлчи»-«Дустлик»— 1:0.
«Нефтчи» ва «Пахтакор» — жамоалари ўйини бошқа кунга қолдирилди.

МИНТАҚАВИЙ ТУРНИР ЎЙИНЛАРИ

Осиё мамлакатлари кубок эгалари Кубоги учун ўтказилаётган ўйинларда пойтахтимизнинг «Пахтакор» футбол жамоаси Ашхоболнинг «Нисса» жамоаси билан майдонга тушдилар. Аммо, минтақавий турнирнинг иккинчи босқичида юртдошларимизга омад кулиб боқмади ва «Пахтакор»чилар 0:5 ҳисобида мағлубиятга учради. Тошкентдаги жавоб ўйинида «Пахтакор» вакиллари йирик ҳисобда ютган тақдирдагина кейинги босқичга кўтарилиши мумкин.

maydoncha si

Bilasizmi?

Дастлабки денгиз харитаси қачон тузилган? Кўпчилик тарихнависларнинг эътироф этишича, дастлабки денгиз харитасини қадимги Тир давлатида яшаган (Ҳозирги Ливандаги Сур шаҳри) Мариний исмли киши милоднинг иккинчи асрида чизган.

***

Биринчи сувости кинофильмини инглиз Ж.Уильямсон 1914 йилда тасмага туширган. Бунинг учун махсус пўлат шар қурилган, унинг шишадан ясалган ўта чидамли иллюминаторлари бўлган. Мазкур шар 9 метр чуқурликка туширилганда, унинг ичида жойлашган иккита оператор сув ости манзараларини суратга олаверган. Бу дастлабки фильм Багам оролларидаги ҳақида ҳикоя қилади.

А.Алиев тайёрлади

Quvnoq startlar

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Куни кеча «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти Марказий кенгашида барча маҳаллий кенгаш вакиллари иштирокида умумий ўрта таълим мактаблари ўртасида республика XVI «Қувноқ стартлар» телевизион мусобақаларини ўтказиш учун қуръа ташланди.

«Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти Марказий кенгаши раиси М.Ҳайдаров вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган мусобақа шартлари ва янги Низом мазмуни билан йиғилганларни таништириш билан бирга оммавийлик ва мусобақа дастури мазмунига эътибор бериш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Қуръа ташлаш натижаларига кўра биринчи давра учрашувларида Хоразм вилояти - Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент - Фарғона, Бухоро - Андижон, Сурхондарё - Сирдарё, Жиззах - Наманган, Тошкент шаҳри - Самарқанд вилояти, Навоий - Қашқадарё вилояти командалари учрашадилар.

Олимпия тизими қоидалари асосида ўтказиладиган мусобақада ютқазган командалар ўйиндан чиқиб кетишади.

Республика XVI «Қувноқ стартлар» телевизион мусобақалари биринчи давра учрашувлари ноябрь-декабрь ойларида ўтказилади.

Ғ.МАННОПОВ

Ma'rifatsiz kishilar

ҚОВУНФУРУШНИНГ ҚЎЛТИҒИДАН...

Андижон-Самара поездининг вагонига 640 та қовунни «уриб» олгач, энди уйқуни ураман деб турган вагон кузатувчиси Мумин В. исмли шахснинг қўлтиғидан каттакатта қовунлар бирин-кетин туша бошлади. Негаки, ички ишлар ходимлари бу кузатувчининг ўз мансаб ваколатидан фойдаланиб, қовунларни текин — пул тўламасдан олиб кетмоқчи бўлганини сезиб қолгач, уларни кузатувчига қўлтиқлатиб вагондан туширтирдилар.

Ички ишлар ходимлари Мумин В. исмли проводникнинг қовунфурушлик санъатига баҳо беришиб, амаки, сиз бу билан давлатга нақд 30 минг сўмдан зиёд зарар келтираётганингизни биласизми, дейишганида, «Йўғ-е, шугина қовунлар катта вагоннинг бир чеккасида кетса нима қилибди» деди. Лекин бир неча юзлаб қовун вагондан қайта туширилгач, бу проводник амакининг қўлтиғидан қовунлари тушгани яққол аён бўлди-қолди.

Мазкур ҳолат юзасидан тергов ишларини Қўқон шоҳбекати тармоқ ИИБ ходимлари олиб боришмоқда.

«РЕСТОРАН ЎЗИМНИКИ»

Нақлиёт ИИБ ходимлари Р.Ибрагимов ва Б.Маҳмудовлар ҳам Тошкент -Москва поездининг вагон-ресторанини текширишганда, ушбу ресторан директори Миррихси М.нинг 3 тоннадан зиёд қовунни ҳужжатлаштирмасдан, яъни улар учун йўл ҳақи тўламасдан олиб кетаётганини аниқладилар.

Катта миқдордаги ушбу юкни йўл ҳақи тўламасдан олиб кетишга уринган бу директор, ресторан ўзимники, унда нима олиб кетсам, ўзим биламан, дея йўл тутгани ойдек аён гап. Шу боис, мазкур қовунлар ҳам москвалик ҳурандаларга насиб этмайдиган бўлди.

Ш.Рўзиев,
ИИВ Нақлиёт ИИБ ходими

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Навбатчилар:
Дилбар ХЎЖАЕВА,
Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

Газетани IBM компьютерида Абдирасул Нарманов саҳифалади

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими— 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0330. Тиражи 25.810. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди-19.30. Г. 123456